



# FAN, TA'LIM VA AMALIYOT INTEGRATSIYASI

ISSN: 2181-1776

**Шодиева Нодира Нормаматовна**

*Низомий номидаги ТДПУ, Психол.ф.н. dots Тиллашайхова Хосият  
Азаматовна, Ўқитувчи*

## КАТТАЛАР ТАЪЛИМИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЖАРАЁНИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

### Аннотация

Мақолада катта ёшдагиларни ўқитиш ва уларга таълим бериш, катталар таълимини ривожлантириб борилишига таъсир этувчи омиллар, ҳар бир фуқарони жамиятимизда олиб борилаётган ислохотларга нисбатан онгли муносабати шаклланиб бориши хусусида сўз юритилган.

**Калит сўзлар:** Катталар таълими, ислохот, модернизация, интеллектуал салоҳият, информал таълим.

Катта ёшдагиларни ўқитиш ва уларга таълим бериш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Зеро мамлакатимизда олиб борилаётган туб ўзгаришлар, ислохотлар, модернизация жараёнлари хусусан таълим тизими ва бошқа турли соҳалардаги янгиланишлар нафақат келажак авлод вакиллари интеллектуал салоҳиятига эга эканлиги билан белгиланади, балки катта ёшдаги кишиларнинг ҳам билими, тажрибаси ва малакасига боғлиқ эканлигини ҳам ифодалайди. Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллигига бағишланган тантанали маросимидаги нутқида таъкидлаганидек, Ўзбекистонда янги бир уйғониш- Учинчи Ренессанс даврида пойдевор яратилмоқда. Ушбу муҳим жараёнда эса, катта ёшдагиларни ўқитиш ва уларга таълим бериш мамлакатимиз таракқиётида ҳал қилувчи рол ўйнаши керак



“Ўзбекистон катта ёшдагиларни ўқитиш ва уларга таълим бериш: долзарб ҳолат ва ривожланиш истиқболлари” лойиҳаси доирасида олиб борилган тадқиқотлар катта ёшдагиларнинг ўқишга эҳтиёжи юқори эканини аниқлади. Хусусан, 24-33 ёшдагиларнинг 70 фоиздан ортиғи ўзларида билим ва кўникмаларнинг етишмаслигини ҳис этмоқда, 34-42 ёшдаги респондентлар эса, уларнинг фикрига қўшилган. Жами респондентларнинг 60 фоизи билим ва кўникмаларнинг етишмаслигини кўрсатиб ўтган. Сўровномада иштирок этганларнинг деярли ярими билим ва малака ошириш учун имконият йўқлигини, оилавий ҳолатлар туфайли вақт етишмаслигини, ўқишнинг тўлови юқори даражада эканлигини ҳамда иш берувчининг бундан манфаатдор эмаслигини кўрсатиб ўтган<sup>1</sup>

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019-йил 31 декабрдаги №1059-сон қарори: Узлуксиз маънавий тарбия концепциясида 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида назарда тутилган яъни аҳолининг тинч осоишта ҳаёти учун энг зарур таянч компетенциялар билан таъминлаш, уларни педагогик билимларини ошириш каби масаларни ҳал этиб борилиши белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг 2020-йил 24-январдаги Олий Мажлисга мурожаатномаларида таълим тизими соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, педагогик маҳорат ва малака даражасига эга бўлган, ўз ишида аниқ натижаларга эришган ўқитувчиларга юқори маош тўлаш тизимини жорий этиш, мутлоқ янги профессионал таълим тизимини йўлга қўйилиши, ҳақида сўз юритилди.

Қонунчилик палатаси томонидан 2020 йил 19 майда қабул қилинган (янги таҳриридаги) Ўзбекистон Республикаси Таълим Тўғрисидаги Қонуннинг 2 боб (Таълим тизими, турлари ва шакллари) 19-моддаси “Катта ёшдагиларни ўқитиш ва уларга таълим бериш” деб номланган бўлиб унга кўра Катта ёшдагиларни ўқитиш ва таълим бериш бутун умр давомида ўқитишнинг марказий таркибий қисми бўлиб, таълим бериш ҳамда ўқитишнинг жамият ҳаётида ва меҳнат фаолиятида катта ёшдагиларнинг иштирок этишини таъминлашга қаратилган барча шаклларни ўз ичига олади, шунингдек расмий, норасмий ва информал ўқитиш жараёнларининг бутун мажмуини қамраб олади.

**Расмий таълим** давлат таълим муассасалари ҳамда давлат томонидан тан олинган аккредитациядан ўтган нодавлат таълим ташкилотлари иштирокидаги институтсионаллаштирилган (муайян қоидалар ва нормаларни мужассамлаштирувчи), аниқ мақсадга йўналтирилган ва режалаштирилган таълимдир.

**Норасмий таълим** таълим хизматлари таақдим этилишини таъминловчи шахс ёки ташкилот томонидан институтсионаллаштирилган аниқ мақсадга йўналтирилган ва режалаштирилган бўлиб, шахснинг бутун ҳаёти давомида ўқитишдаги расмий таълимга қўшимча ва (ёки) унинг муқобилидир.

**Информал таълим** аниқ мақсадга йўналтирилган, аммо институтсионаллаштирилмаган (муайян қоидалар ва нормаларни мужассамлаштирмаган), расмий ёки норасмий таълимдан кўра камроқ ташкиллаштирилган ва таркибланиши билан ҳамда оиладаги ва иш жойидаги, яшаш жойидаги ва кундалик ҳаётдаги ўқув фаолиятини ўз ичига олиши мумкин.

<sup>1</sup>Gazeta.uz “Катта ёшдагиларга таълим бериш долзарб масала



Бугунги кунда жамият ҳаётидаги мавжуд муаммоларни самарали ечишга, кенг кўламли ислоҳотларни изчил давом эттириш зарурати давлат бошқаруви соҳасида мутлоқо янги тизим яратишни тақозо этмоқда. Биз таълим-тарбия тизимининг барча бўғинлари фаолиятини бугунги замон талаблари асосида такомиллаштиришни ўзимизнинг биринчи даражали вазифамиз деб биламиз<sup>2</sup>. Катталар таълимини ривожлантириб боришига бир қанча таъсир этувчи омиллар мавжуд. Жумладан:

- дунё мамлакатларининг шиддат билан тараққий этиб бораётганлиги;
- техника ва технологияларни жамият соҳасининг барча бўғинларига кириб борганлиги;
- ёшларнинг билим олишга ва турли соҳаларни эгаллашга бўлган қизиқишини ортиб бораётганлиги ва ҳокозолар мисол бўлиши мумкин.

Шарқ мутафаккир олимларини асрлар мобайнида диққат эътиборини ўзига жалб этиб келган “Қобуснома” асари ҳам ҳар бир инсонни билим ва касб хунар эгаллаб боришга ундайди. Унда кишиларнинг илм эгаллаши ва уни бошқаларга қай тарзда етказиб беришлари қуйидагича изоҳланади.

Олим бемалол бўлмағай. Илмни яхши ўрганғил. Билағон илмингни яхши иборалар била баён қилғил, то беъмани даъва била хижолатманд бўлмағайсан. Шундоқ сўзларни кўпроқ айтғилки, ўзинг унга қодир бўлсанг ва ул сўз сенга яхши маълум бўлғон бўлса, токи беъмани даъво била шарманда бўлмағайсан.

Мамлакатимизни янгилаш ва модернизатция қилиш, уни инноватцион асосда ривожлантириш замонавий билимга ва юқори интеллектуал салоҳиятга эга ватанпарвар кадрларга боғлиқдир. Айнан катталар таълимини ривожлантириб борилиши ёш авлодни билимли бўлиб воёга етишларида, мамлакатда тинчлик ва барқарорликни таъминланишида, тарихий ва маданий меросимизни, табиий бойликларимизни сақлаш ва бойитиб борилишига асос бўлади. Ваҳоланки келажак авлодимизнинг таълим-тарбияси катталарнинг билими ва бой тажрибаси асосида шакиллантирилади. Вояга етганлар учун таълим соҳасидаги кўпгина ўзгаришлар XIX асрда ва ундан кейинги йилларда содир бўлган. Саноат инқилоби даврида Европада катталар таълимига бағишланган ёки уларга жавобгар бўлган тарқоқ гуруҳлар пайдо бўлди. Ву ишчилар синфини маълум касбий кўникмаларга ўргатиш зарурати пайдо бўлиши билан изоҳланади. Бироқ 1984 йилда Карл Д.Перкинснинг “Касбий таълим тўғрисида”ги қонуни қонуни қабул қилинганидан кейин АҚШда касб-хунар таълими учун катталар учун тенг имкониятлар таъминланди<sup>3</sup>

Шуни таъкидлаш лозимки катталар таълимини ривожланиб бориши ҳар бир фуқарони жамиятимизда олиб борилаётган ислоҳотларга нисбатан онгли муносабати шаклланиб боришига туртки бўлади. Оилавий ҳаётда, иш фаолиятида ёшларга таълим-тарбия бериш жараёнида ва умуман олганда турмушнинг ҳамма жабҳасида албатта катталар таълимини ривожланиб бориши етакчи ўрин эгаллайди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Шавкат.МирзиёевМиромоновичМиллий тикланишдан миллий юксалиш сари.Тошкент-2019. 117-бет.

<sup>2</sup>Шавкат.МирзиёевМиромоновичМиллий тикланишдан миллий юксалиш сари. Тошкент. 2019-йил. 115-117 бет.

<sup>3</sup> Ekotaf.net Вояга етганлар учун таълим.



2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожатномаси .2020 й.
3. Узлуксиз маънавий тарбия концепсияси Ўз.Рес.Вазирлар Маҳкамасининг 1059-Қарори.31 декабр 2019 й.
4. Ўзбекистон Республикасининг Таълим Тўғрисидаги Қонуни. (янги таҳрири)
5. Э.Ғ.Ғозиев Психология. Тошкент-2008 йил
6. Б.Х. Ходжаев. Умумий педагогика.Тошкент-2017 йил.
7. Малла Очиллов. Муаллим қалб меъмори. Тошкент 2001-йил. 91-бет.